

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ  
ХАЙЪАТИ КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ**

**■■■■■■■■■■-СОҢЛИ  
А Ж Р И М И**

2025 йил сентябрь ойининг “16” куни, Сирдарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов хайъати кассация инстанциясининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик қилувчи: Ж.Жаббаров,

Ҳайъат аъзолари: судьялар Ш.Шамшиев ва Ж.Турдимуратовлардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчилари А.Ахмадалиев ва Ш.Бўроновларнинг котиблигида, тарафлардан Сирдарё вилоят прокуратураси бўлим прокурори Б.Ахмедов, судланган ■■■■■■■■■■нинг химоячиси Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги “ADOLAT NIGIZI” адвокатлик бюроси адвокати У.Юлдашевнинг иштирокида, судланган XXXXXXXXXXга оид жиноят ишини судланган XXXXXXXXXXнинг химоячиси У.Юлдашев томонидан келтирилган шикоят асосида ишни кассация тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

**А Н И Қ Л А Д И:**

Жиноят ишлари бўйича Оқолтин туман судининг 2025 йил 28 январдаги ҳукмига кўра,

■■■■■■■■■■  
Фарғона вилояти, Учкўприк туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, бўйдоқ, маълумоти тугалланмаган олий, Ўзбекистон Миллий Университети 5-босқич талабаси, Фарғона вилояти, Учкўприк туман 1-сон касб-хунар мактаби ишлаб чиқариш йўналиши таълим устози, ■■■■■■■■■■

■■■■■■■■■■ уйда яшаган, эҳтиёт чораси сифатида 2024 йил 28 сентябрь кунидан қамокда сақланмоқда, айблов ҳулосаси нусхасини 2024 йил 3 декабрь куни олганганга нисбатан

Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,176-моддаси 2-қисмининг “а,в” бандлари билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 2 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган ҳамда жазони умумий тартибли колонияда ўташ белгиланган.

Суд ҳукмига кўра, судланган XXXXXXXXXX тергов жараёнида



шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган номаълум шахс билан олдиндан тил бириктириб, номаълум шахсдан ўтказиш мақсадида жами 13 дона қалбаки 100.000 сўмлик пул купюраларини олиб, 2024 йил 24 сентябрь куни таниши XXXXXXXXXXга қалбаки пул купюраларини ўтказиш мақсадида Ж.Хайдаровдан бўлган 300.000 сўм қарзларини ўрнини қоплаш учун унга бир дона қалбаки АУ 3479808 серия рақамли 100.000 сўмлик қалбаки купюрани қалбаки эканлигини маълум қилмасдан ўтказган.

Бундан ташқари, XXXXXXXXXX жиноий ҳаракатлари давом эттириб, такроран қалбаки пул купюраларини ўтказиш мақсадида 2024 йил 27 сентябрь куни соат тахминан 23.00 ларда ўзига тегишли бўлган “Кобальт” русумли автомашинада танишлари XXXXXXXXXX ва XXXXXXXXXXлар билан бирга Самарқанд вилоятига кетаётиб, олдиндан ўтказиш мақсадини кўзлаб олиб юрган жами 12 дона бир хил серия рақамли 100.000 сўмлик купюраларни ўтказиш учун [REDACTED] жойлашган XXXXXXXXXXга тегишли бўлган савдо дўконига бориб ушбу савдо дўконидан бир дона “Мохито”, 2 дона “Горилла” ва писта махсулотларини харид қилишини маълум қилиб вояга етмаган сотувчи XXXXXXXXXXга қалбаки 100.000 сўмлик пул купюрасини берган вақтида вояга етмаган XXXXXXXXXX ушбу 100.000 сўмлик купюранинг қалбаки эканлигини билиб бу ҳақда отаси XXXXXXXXXXга хабар берганлиги натижасида XXXXXXXXXX ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра жиноий ҳаракатларини охирига етказа олмаган.

Ҳолат бўйича XXXXXXXXXX шахсий тинтувдан ўтказилганида шимининг бел қисмидан жами 11 дона бир хил серия рақамли купюрадаги 100.000 сўмлик пул маблағлари мавжудлиги аниқланиб, холислар иштирокида ашёвий далил тариқасида олинган.

Судланган XXXXXXXXXXнинг ҳимоячиси-адвокат У.Юлдашевнинг кассация шикоятда, иш бир томонлама айблов йўналишида олиб борилганлиги, биринчи босқич суди судланган XXXXXXXXXXнинг қалбаки пулларни ўтказишга қасди икки эпизод бўйича умумий мақсадга қаратилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи қилмишдан иборат давомли жиноят ҳисоблансада, асосиз такроранлик белсини билан квалификация қилинганлиги, шунингдек, унинг қалбаки пулларни бошқа шахслар билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, содир қилганлиги ҳақида тахминларга асосланиб, ҳукм чиқарилганлиги ҳақида важлар келтириб, унинг қилмишини 25,176-моддаси 2-қисмининг “а,в” бандларидан, шу модданинг 1-қисмига қайта квалификация қилиб, енгиллаштирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш сўралган.

Кассация инстанцияси суди, иш бўйича судья Ж.Жаббаровнинг маърузасини, судланган XXXXXXXXXXнинг ҳимоячиси-адвокат У.Юлдашевнинг кассация шикоятини қувватлаб берган фикрини, прокурор Б.Ахмедовнинг шикоятни қаноатлантиришсиз қолдириб, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги фикрини тинглаб, кассация шикоятда итирилган важларни жиноят иш ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб,



қуйидаги асосларга кўра, суд ҳукмини ўзгартириб, шикоятни қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Судланган XXXXXXXXXнинг айби, тергов ва судда сўралган гувоҳлар, XXXXXXXXXнинг аризаси, 2024 йил 28 сентябрь кунги воқеа жойини кўздан кечириш ва ашёвий далилни олиш баённомаси, тушунтириш хатлари ва бошқа терговга қадар текширув ҳужжатлари (и.в.5-33), судга оид ҳужжатларнинг техник криминалистик экспертизасининг 2024 йил 4 октябрдаги XXXXXXXXXдан олинган 12 дона АҲ 3479808 серия рақамли 100.000 сўм купюрадаги 1.200.000 сўм миқдордаги купюралар электрофотографик (рангли лазерли) принтер усулида тайёрланган ва ИИВ ЭКМда мавжуд намуна билан тайёрланиш усули айнан эмаслиги, Ж.Хайдаровдан олинган бир дона АҲ 3479808 серия рақамли 100.000 сўм купюра электрофотографик (рангли лазерли) принтер усулида тайёрланган ва ИИВ ЭКМда мавжуд намуна билан тайёрланиш усули айнан эмаслиги ҳақидаги 1321-сонли хулосаси (и.в.145-146) ҳамда жиноят ишида тўпланган ва судда текширилган далиллар мажмуи билан тўлиқ тасдиғини топган.

Судлов ҳайъати, судланган XXXXXXXXXнинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,176-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Бироқ, биринчи инстанция суди томонидан XXXXXXXXXнинг қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,176-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан нотўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 176-моддаси 2-қисмининг “в” банди ўтказиш мақсадида қалбаки банк билетлари (банкнотлар), металл тангалар, акциз маркалар, шунингдек, қимматли қоғозлар ёхуд чет эл валютаси ёки чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар ясаш ёки уларни ўтказиш — бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса жиноий жавобгарлик белгиланган.

Чунончи, суд томонидан судланган XXXXXXXXXнинг қилмиши ЖК 25,176-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан квалификация қилинишига тергов органининг 2024 йил 23 ноябрдаги жиноят ишининг номаълум шахс ва фуқаро XXXXXXXXXга нисбатан бўлган қисми ЖК 176-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан жиноят иши кўзғатган ҳолда алоҳида иш юритувига ажратилиши асос бўлган.

Тергов ҳаракатлари давомида 2024 йил 29 ноябрь куни ишнинг XXXXXXXXXга оид қисми ЖПК 83-моддасининг 2-қисмига асосан тугатилган, ишнинг номаълум шахсга нисбатан қисми ЖПКнинг 364-моддаси 1-қисми, 1-бандига асосан тўхтатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 23-моддасида, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланган ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмаслиги, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланганнинг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги, Қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланганнинг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги кўрсатилган.



Судланган XXXXXXXXXнинг қалбаки пулларни XXXXXXXXX ёки бошқа номаълум шахслар билан бир гуруҳ бўлиб, ўтказганлиги ёхуд айирбошлаганлиги хусусида далиллар мавжуд эмас.

Биргина, тергов органининг ишнинг номаълум шахсларга оид қисмини ажратиб, номаълум шахслар топилгунга қадар ишни тўхтатиш ҳақидаги қарори билан XXXXXXXXXни жиноятни бир гуруҳ бўлиб содир этганлигини англатмайди, XXXXXXXXXнинг айнан ким билан олдиндан тил бириктириб жиноят содир қилганлиги, вақти, жойи усули каби ЖПКнинг 82-моддасида белгиланган асослар исботланмаган.

Бундай ҳолда, судланган XXXXXXXXXнинг қилмишини ЖКнинг ЖК 176-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан малакалаб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 509<sup>9</sup>-моддаси 1-қисмининг 7-бандига кўра, кассация инстанцияси суди жиноят ишини кўриш натижаларига кўра, ҳукми ўзгартиришга ҳақли эканлиги кўрсатилган.

Кассация инстанция суди, судланган XXXXXXXXXнинг қалбаки валютани ўтказиш каби содир этган қилмишида “бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб” оғирлаштирувчи белгисининг мавжудлиги ўз исботини топмаганлиги сабабли, суд ҳукмини ўзгартириб, судланган XXXXXXXXXнинг айбловидан ЖКнинг 176-моддаси 2-қисмининг “в” банди чиқаришни ҳамда унга эълон қилинган айблов мазмунини тегишлича ўзгартиришни лозим деб топади.

Судлов ҳайъати, шикоятдаги биринчи босқич суди судланган XXXXXXXXXнинг қалбаки пулларни ўтказишга қасди икки эпизод бўйича умумий мақсадга қаратилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи қилмишдан иборат давомли жиноят ҳисоблансада, асоссиз такроранлик белгиси билан квалификация қилинганлиги ҳақидаги вазлар билан келишмади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 15 майдаги “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида” ги 13-сонли қарорининг 4-бандида “Жиноятлар такроранлигини бир қатор айнан ўхшаш хатти-ҳаракатлар билан турли вақтларда содир этилган бўлса-да, бироқ ягона қасд билан камраб олинган, объекти ва содир этиш усули, оқибатлари бир хиллиги жиҳатидан ўзаро ўхшаш давомли жиноятдан фарқлаш лозим. Бундай ҳолларда барча қилмиш Жиноят кодексининг мазкур жиноятни содир этганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи битта моддаси ёки моддаси қисми билан квалификация қилиниши лозим” – беб тушунтириш берилган.

Иш ҳолатига кўра, XXXXXXXXX 13 дона қалбаки 100.000 сўмлик пул купюраларини олиб, 2024 йил 24 сентябрь куни таниши XXXXXXXXXга қалбаки пул купюраларини ўтказиш мақсадида Ж.Хайдаровдан бўлган 300.000 сўм қарзларини ўрнини қоплаш учун унга бир дона қалбаки АУ 3479808 серия рақамли 100.000 сўмлик қалбаки купюрани қалбаки эканлигини маълум қилмасдан ўтказган.

XXXXXXX жиноий ҳаракатлари давом эттириб, такроран қалбаки 1 купюраларини ўтказиш мақсадида 2024 йил 27 сентябрь куни соат



тахминан 23.00 ларда ўзига тегишли бўлган “Кобальт” русумли автомашинада 12 дона бир хил серия рақамли 100.000 сўмлик купюраларни ўтказиш учун [REDACTED] жойлашган XXXXXXXXXга тегишли бўлган савдо дўконига бориб ушбу савдо дўконидан бир дона “Мохито”, 2 дона “Горилла” ва писта махсулотларини харид қилишини маълум қилиб вояга етмаган сотувчи XXXXXXXXXга қалбаки 100.000 сўмлик пул купюрасини ўтказётган вақтда 100.000 сўмлик купюранинг қалбаки эканлигини билиб бу ҳақда отаси XXXXXXXXXга хабар берганлиги натижасида XXXXXXXXX ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра жиноий ҳаракатларини охирига етказа олмаган.

Судлов ҳайъати, судланган XXXXXXXXXнинг қалбаки пулларни ўтказиш объекти ва содир этиш усули, оқибатлари турли хиллиги, жиноятларни турли вақтда содир қилинганлиги боис унинг қилмишини давомли жиноят сифатида баҳолаб бўлмайди деб ҳисоблайди.

Биринчи босқич судида ҳам айтиш мумкин бўлган афрофлича текширилиб, етарлича баҳо берилган, юқорида келтирилган асосларга кўра, судлов ҳайъати шикоятдаги такроранлик белгисини чиқариш ҳақидаги қисмини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1-бандида судлар жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиниши лозимлиги;

37-бандида, ЖКнинг 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги ҳулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозим”лиги белгилангани ҳақида тушунтиришлар берилган.

Биринчи босқич суди, судланган XXXXXXXXXга жазо тури ва миқдорини тайинлашда унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, олийгоҳнинг 5-босқич талабаси эканлигини, жиноий қилмиши натижасида бирон-бир шахсга



мулкий зиён етказилмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этиб, унинг ҳаракатларида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини эътироф этади ҳамда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, унинг шахсини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарори 37-бандига кўра, ЖКнинг 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги ҳақидаги раҳбарий кўрсатмаларга амал қилиб, унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, мукаддам судланмаганлигини, олийгоҳнинг 5-босқич талабаси эканлигини, жиноий қилмиши натижасида бирон-бир шахсга мулкий зиён етказилмаганлигини содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида эътироф этиб, унга нисбатан ЖК 57-моддасини қўллаб, ЖК 25,176-моддаси 2-қисми билан билан қонун санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроқ қисмини тайинлаб, қонуний ва адолатли тўхтамга келган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 509<sup>7</sup>, 509<sup>9</sup>, 509<sup>10</sup>, 509<sup>11</sup> ва 509<sup>14</sup>-моддаларига амал қилиб, кассация инстанцияси судлов ҳайъати,

### А Ж Р И М :

Судланган **XXXXXXXXXX**га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Оқолтин туман судининг 2025 йил 28 январдаги ҳукми ўзгартирилсин.

Судланган **XXXXXXXXXX**нинг айбидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 176-моддаси 2-қисми “в” банди чиқарилиб, ишнинг шу қисми тугатилсин.

Кассация шикоятни қисман қаноатлантирилсин.

Ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

<b>Раислик қилувчи:</b>	(имзо)	<b>Ж.Жаббаров</b>
<b>Ҳайъат судьялари:</b>	(имзо)	<b>Ш.Шамшиев</b>
	(имзо)	<b>Ж.Турдимуратов</b>

